

# IMPROVING THE MEMBERSHIP SYSTEM IN ECOLOGICAL EDUCATION OF PRESCHOOL CHILDREN

**Ravshanova Nargiza Norboevna,**

an independent researcher at the Institute for Retraining and Advanced Training of Teachers and Specialists of Preschool Educational Institutions

**Annotation:**

This article provides information on the system of membership in the ecological education of preschool children.

**Keywords:**

Preschool education, environmental education, environment.

## **МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ЭКОЛОГИК ТАРБИЯЛАШДА УЗВИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мактабгача таълим ташкилотлари раҳар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш институти мустақил изланувчи Равшанова Наргиза Норбоевна

**Аннотация:**

Ушбу мақолада мактабгача ёшдаги болаларни экологик тарбиялашда узвийлик тизими тұғрисида маълумотлар көлтирилған.

**Калит сўзлар:**

мактабгача таълим, экологик таълим, атроф-мухит.

Мактабгача таълимда етакчи педагогик йўналишларидан бири бу болаларни атрофолам, табиат ва экологик билимлар билан таништиришdir. Атрофимиздаги муҳитга нисбатан хурмат ва эҳтиёткорлик билан муносабатни ривожлантириш болалар ўртасида экологик маданиятни шакллантиришнинг муҳим таркиби қисмидир. Мактабгача ёшдаги болаларнинг экологик маданиятини ошириш ахлоқий фазилатларни тарбиялаш йўлидаги муҳим босқич хисобланади. Экологик таълим нима?

Экологик таълим боланинг ақлий, нутқий ва ҳиссий ривожланиш соҳаларини қамраб олади. Экологик таълим нафақат табиат гўзаллигини идрок этишини, балки уни англаш ва энг муҳими, уни ҳимоя қилиш бўйича фаол ҳаракатларни ҳам ўз ичига олади. Махсус жиҳозлардан фойдаланган ҳолда амалий машғулотлар ўсимликларни парвариш қилиш бўйича тажриба ортишишга имкон беради. Мактабгача ёшдаги болалар тирик табиатнинг барча жараёнларини шахсан кузатиши, ўз кузатувлари, ҳиссиётлари ва таассуротлари билан ўртоқлашиши мумкин.

Мамлакатимизда узлуксиз экологик таълимнинг бошланғич бўғини сифатида мактабгача таълим ташкилотларида олиб бориладиган экологик таълим-тарбиявий фаолият хисобланади. Мактабгача ёшдаги болалик даврида бола табиат ҳақида ҳиссий таассуротларни олади, табитнинг турли шакллари ҳақида тасаввурлари шаклланади, яъни тарбияланувчиларда экологик тафаккур ва онгнинг асосий тамойиллари шаклланади, экологик маданиятнинг бошланғич элементлари куртак отади. Аммо бу жараён замонавий таълим технологиялари билан бойитилган ҳолда амалга оширилсагина самарали бўлишини таъкидлаймиз.

Мамлакатимизда экологик тарбиялашга қаратилган кўплаб дастурлар яратилганлигини эътироф этган ҳолда мактабгача ёшдаги болаларни экологик тарбиялашнинг мазмун-моҳияти

мунтазам равища бойитилишининг аҳамияти бекиёс. Сабаби, болаларнинг экологик онгини ривожлантиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар эрта ёшдан тарбияланувчиларда экологик маданият шаклланишига негиз бўлиб хизмат килади.

Мактабгача таълим ташкилотларида табиат ҳақидаги билим ва унга нисбатан муносабатларнинг турли жиҳатларини ривожлантириш (эҳтиёткорлик билан она табиатга ғамхўрлик, атрофдаги гўзалликларни кўриш қобилияти ва бошқалар) жонсиз табиатни (сув, ҳаво, тупроқ ва бошқаларни) фарқлаш, ўсимликлар, ҳайвонлар, қушлар ва умуман жонзотлар ҳақидаги тушунчалар таркибида амалга оширилади. Экологик билимлар табиатга нисбатан муносабатни шаклланишиш воситаси сифатида турли хил фаолиятларда намоён бўлади.

Экологик таълим – бу ўқитиш ва шахсни ривожлантиришнинг доимий жараёни, илмий ва амалий билимлар тизимини шаклланишишга қаратилган ва кўнимкалар, хулқ-автор ва фаолиятни таъминлайдиган атрофдаги ижтимоий ва табиий муҳитга масъулиятли муносабат ва масъулиятни таъминлайдиган шахснинг ажралмас хусусиятларидан бири сифатида шаклланишини таъминлайдиган тизим бўлмоғи лозим. Бунинг учун эса мактабгача таълим ташкилотлариданоқ болаларда экологик онги ривожлантириш бугунги кун талабидир. Болаларнинг табиатга муносабатини яхшилаш бўйича тадбирлар жараёнида фақатгина атроф-оламга эмас, балки табиатга, ўзига нисбатан ижобий муносабат шаклланади.

Муҳими, экологик таълим жараёнида билим, ва кўнимкаларни эгаллаш эмас, экологик маданият, хулқ-автор асосларини шаклланишишга ҳисса қўшишдир. Бунда боланинг экологик онги аста-секин ривожланиб боради ва натижада табиатни идрок этишга муносабат, билим ва кўпинча бутун умр эсда қоладиган тажрибалар тўпланиб боради. Замонавий таълим тизими атроф-муҳитни мактабгача таълим босқичдан ўрганиш, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий ривожланишнинг барча соҳаларига таъсир қиласида деган тушунчани қўллаб кувватлайди. Давлатимиз томонидан экологик таълимга берилаётган кенг қамровли эътибор айнан мактабгача таълим ташкилотларидан бошлаб берилишининг мазмун-моҳияти бекиёсдир. Сабаби, бундай таълимий жараёнлар туфайли кузатувчанлик, сезгирилик шаклланади, табиатга бўлган муҳаббат кучаяди, ахлоқни тарбиялайди, атрофимиздаги ҳамма нарсани қадрлашга ёрдам беради.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш” тўғрисидаги 2019 йил 27 майдаги 434-сонли қарори. .
2. Ўзбекистон Республикасининг ilk ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари – Т.: 2018.
3. “Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг давлат ўқув дастури – Т.: 2018.